

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУНАВВАРОВ БУРХОНЖОН АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**СУРУНҚАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ГИПОАЗОТЕМИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
БИЛАН ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation the abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мунавваров Бурхонжон Абдужалилович Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда гипоазатемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш.....	3
Мунавваров Бурхонжон Абдужалилович Оптимизация терапии больных хронической болезнью почекс применениемгипоазотемических препаратов.....	23
Munavvarov Burkhonjon Abdujalilovich Optimization of therapy for patients with chronic disease kidney with the use of hypoazotemic drugs.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУНАВВАРОВ БУРХОНЖОН АБДУЖАЛИЛОВИЧ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРДА ГИПОАЗОТЕМИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ
БИЛАН ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib745 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Мақсуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвасит Мирвасикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жаббаров Озимбай Отаханович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тиббиёт соҳаси кун сайин замонавий ташхислаш ва даволаш тартиби билан бойитилишига қарамасдан сурункали буйрак касаллиги (СБК) нинг кечиш хусусиятлари ва даволаш бўйича муаммолар ўз ечимини етарлича топмаган. Бу касалликнинг кўп омиллилик хусусиятга эгаллиги билан боғлиқ, яъни оқсил, сув-электролит, минераллар алмашинуви, кислота-ишқор мувозанати бузилишлари, қон таркибининг сифат ва миқдорий жиҳатдан оғир ўзгаришлари каби кўпгина патогенетик бўғинларнинг қўпол, шунингдек қайтмас бузилишидадир¹. Мазкур кўп омилларни чуқурлаштирадиган, ёмонлаштирадиган, жадаллаштирадиган ва оқибат ўлимга олиб келадиган энг асосий мезон бу – уремик интоксикациядир². Шунингдек, СБК замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг асосий бир тиббий-ижтимоий муаммоларидан бўлиб келмоқда. Сабаби унинг кенг тарқалиб бораётгани ва жадал равишда авж олиб бориши пировардида терминал буйрак етишмовчилигига олиб келиши нисбатан қимматбаҳо буйрак ўринбосар терапияга эҳтиёжни тақозо этмоқда³. СБКнинг айна вақтда дунё миқёсида тарқалиши ўртача 10 дан 20%гача ташкил этмоқда. Шунингдек, СБК авж олиб ривожланиб бориши билан беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кескин ёмонлашиб боради. Чунки бу ҳолат беморни мунтазам медикаментоз даволанишини, кейинчалик кечки босқичларида эса гемодиализ ва буйрак трансплантациясини амалга оширилишини тақозо этади. Шундай экан айна дамда соҳа мутахассисларининг асосий мақсади сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) нинг патогенетик бўғинларини ҳар хил йўллар билан коррекция қилиб жараённи авж олишини секинлаштириш, шунингдек, бемор ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини узайтиришдан иборат. Шунинг учун биз СБКнинг турли босқичларида азотемия ҳолати, кечиши, липид спектри кўрсаткичлари билан ташхислаш ва гипоазотемик дори воситаларининг самарадорлигини СБКнинг турли босқичларида таққослама кузатув асосида уларнинг самарадорлигини баҳолаш, давони беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш каби бир қатор объектив ва субъектив асосларни мувофиқлаштирган ҳолда гипоазотемик дори воситаларини қўлланилишини муқобиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб боришни лозим топдик.

Жаҳонда СБК билан хасталанган беморларда гипоазотемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш самарадорлигини ошириш қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. СБКнинг турли босқичларидаги беморларда азотемия ҳолатининг кечиш хусусиятлари ва субъектив руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини баҳолаш ҳамда сурункали буйрак касаллигининг диализ олди даврида беморларнинг буйрак фаолияти кўрсаткичларини кузатиш ва уни турли босқичларда таҳлил натижаларни асослашдан иборат. СБКнинг III ва IV босқичларида

¹NKF K/DOQI, 2002, Li W 2017

²В. В. Сизов 2015

³Keane WF 2013

беморларда липидлар спектри кўрсаткичлари хусусиятларини ва СБКнинг диализгача бўлган даврида гипоазотемик дори воситаларнинг азотемияга ва беморларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифатига таъсирини баҳолашдан иборат. СБКнинг диализгача бўлган беморларда гипоазотемик дори воситаларининг буйрак фаолияти ҳамда липидлар спектри кўрсаткичларига таъсирини ҳамда гипоазотемик дори воситаларининг самарадорлигини сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида таққослама баҳолаш ва олинган натижалар асосида даволашни муқобиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги СБКни, ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамдасифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларасоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. СБКнинг бир қатор патогенетик бўғинлари кенг салмоқли ўрганилган ва самарали коррекция қилинмоқда. СБКда нефроген артериал гипертензияларни кечиши ва коррекцияси,

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

эндотелиал тизимни мувофиқлаштириш, юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришлар, фосфор-кальций мувозанатининг бузилиши ва ренал остеопорознинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, уларни коррекцияси бўйича изланишлар кенг қамровли тартибида олиб борилмоқда. Бироқ, сурункали буйрак касаллигида азотемиянинг кечиши, янги кўтсаткичлар билан ташхислаш ва гипоазотемик дори воситаларининг қўлланилиши ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий изланишларга бўлган эътибор биров сусайгандек. СБЕ ривожланиши ва зўрайишида метаболик бузилишлар ичида гиперлипидемия биринчи ўринда туриши, қатор ишларда қайд қилинган [И.Е. Тареева, 2000; Heart Protection Study Collaborative, 2002; Т.Н. Соломенчук, 2014] ҳамда аксарият ҳолларда юрак-қон томир асоратларига олиб келади, улар ўз навбатида, бундай беморларнинг бевақт ўлимига олиб келади. Бундай беморларда коптокчалар фильтрацияси тезлиги билан касалланиш ва ўлим ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд [Ҳ. Takizawa, 2004; S.S. Taber, 2006; D. Gupta, 2011]. СБЕ жараёнларида кардиологик векторларнинг устунлик қилиши бошқа бир қатор ички аъзолар ва цереброваскуляр патологияларини келтириб чиқаради. Айнан буйрак касалликларида юзага келадиган артериал гипертензия, липид ва оксил алмашинувининг бузилиши, сув-туз ва кислота-ишқор гомеостази номутаносиблиги каби патоген омиллар албатта асаб тизимига ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Беморларда депрессия ва кўрқув бошланиши кутилаётган ёки бошланган гемодиализ муолажалари тадбири билан боғлиқ бўлади. Шунингдек бу ҳолатда руҳий ҳолатини ёмонлашиши, ҳаёт сифатининг пасайиши ва оқибатда суицидал уринишлар провокациянинг ортиши мазкур беморларда соғлом популяцияга нисбатан 15 барабар юқори бўлади [И.А. Васильева, 2003; W.G. Couser, 2011]. Ўлимга сабаб бўлувчи когнитив фаолиятнинг ёмонлашиши КФТнинг меъёрий даражадан пасайиб кетганида кузатилади. СБК да бош мия қон томирларининг ўзгариши буйрак патологияси бўлмаган беморларга нисбатан 10 баробар кўпроқ учрайди. Бу ҳаммаси СБК да дегенератив ўзгаришлар нафақат буйракда, балки миёда ҳам юз бераётганини билдиради [Е.А. Ушкалова, 2001; R Lu., 2015; K.L. Raphael, 2012].

Ҳозирги кунда мамлақатимизда СБЕ муаммоси бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда (Б.Т. Даминов, 2016, 2018, 2020; Ш.С. Абдуллаев, 2017; Д.А. Эгамбердиева 2020). Бироқ, сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда гипоазотемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш ўрганилмаган.

Илмий адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил қилиш натижаларига кўра сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда гипоазотемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш бағишланган республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар зарурати тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўз навбатида, ушбу масала бўйича изланишларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун биз тадқиқотларимиз мобайнида СБК беморларини диализ олди даврларида

биофлавоноидлар сарасига кирувчи гипоазотемик препарат нефроцизин билан даволаб унинг самарасида уремик интоксикацияни камайтириш касалликни даволашдаги энг мақбул йўл деб топдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари «Сурункали буйрак касаллигида функционал-метаболик бузилишларнинг клиник-патогенетик жихатлари ва авж олишининг терапиясини муқобиллаштириш» (2014-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак касаллигининг диализ олди босқичларида баъзи клиник-патогенетик мезонларни баҳолаш ва уларга гипоазотемик дори воситаларининг самарадорлигини турли босқичларида таққослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сурункали буйрак касаллигининг III ва IV босқичидаги беморларда азотемия ҳолатининг кечиш хусусиятлари ва субъектив руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллигининг диализ олди даврида беморларнинг буйрак фаолияти кўрсаткичларини кузатиш ва уни турли босқичларда таҳлил қилиш;

сурункали буйрак касаллигининг III ва IV босқичида беморларда липидлар спектри кўрсаткичлари хусусиятларини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллигининг диализгача бўлган даврида гипоазотемик дори воситаларнинг азотемияга ва беморларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш;

сурункали буйрак касаллигининг диализгача бўлган беморларда гипоазотемик дори воситаларининг буйрак фаолияти ҳамда липидлар спектри кўрсаткичларига таъсирини кузатиш;

гипоазотемик дори воситаларининг самарадорлигини сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида таққослама баҳолаш ва олинган натижалар асосида даволашни муқобиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг қўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида даволанган 123 нафар сурункали буйрак касаллигининг III-босқичи (n-63) ҳамда IV босқичи (n-60) бўлган беморлар – асосий гуруҳ сифатида олинган, шунингдек, 20 нафар кўнгилли соғлом шахслар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб буйрак фаолияти, мочевина, креатинин ва коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ), беморларнинг қон плазмасида липид спектри, холестерин (ХС), зичлиги паст липопротеинлар ва зичлиги юқори липопротеинлар (ЗПЛП, ЗЮЛП), триглицеридлар (ТГ), умумий сийдик таҳлили материаллари уларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичлари баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, инструментал, психодиагностик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида буйрак фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда мочевина, креатинин ва улар асосида ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлиги ҳамда липид спектри каби лаборатор, шунингдек, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш каби субъектив мезонлар билан таққосланиб улар орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланган;

сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда юртимизда ўсувчи “шаир” ўсимлигидан ажратиб олинган (лютеолин-7-О-β-D-глюкопиранозид), флавоноидлар гуруҳига мансуб гипоазотемик дори воситаси сифатида нефроцизин препаратини самардорлиги асосланган;

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида нефроцизиннинг буйрак фаолиятига, липид спектри кўрсаткичларига ҳамда беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсири исботланган;

сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларни диализ олди давларида биофлавоноидлар сарасига кирувчи гипоазотемик препарат нефроцизин билан даволаш унинг самарасида уремик интоксикацияни камайтириш натижасида беморларни диализгача бўлган даврини узайтиришга, яъни диализга муҳтож беморлар сони камайиши исботланган;

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида азотемия ҳолати, кечиши, липид спектри кўрсаткичлари билан ташхислаш ва гипоазотемик дори воситаларининг таққослама кузатув асосида уларнинг самардорлигини, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати таъсири баҳолаш каби бир қатор объектив ва субъектив асосларни номуносивлигини мувофиқлаштирган ҳолда гипоазотемик препаратларни қўлланилиши муқобиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллигининг диализ олди босқичларида азотемия ҳолати, кечиши, ташхислаш ва гипоазотемик препаратларнинг самардорлигига ҳар бир босқичида алоҳида-алоҳида самардорлиги таққосланиб асосланган;

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида касалликнинг кечишини буйрак фаолияти кўрсаткичлари, липид спектри каби объектив ва беморларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш каби субъектив мезонлар баҳоланган;

сурункали буйрак касаллигининг диализ олди давридаги беморларни флавоноидлар гуруҳига мансуб нефроцизин дори воситаси самардорлиги натижасида уремик интоксикацияни камайтириш орқали беморларни диализгача бўлган даври узайтирилган, шунингдек диализга муҳтож беморлар сонини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан

тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимий, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда гипоазотемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, СБКнинг турли босқичларида буйрак фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда мочевина, креатинин ва улар асосида ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлиги ҳамда липид спектри каби лаборатор, шунингдек, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш каби субъектив мезонлар орасида узвий боғлиқлик борлиги асосида, илк бора СБК билан хасталанган беморларда юртимизда ўсувчи “шаир” ўсимлигидан ажратиб олинган, флавоноидлар гуруҳига мансуб гипоазотемик дори воситаси сифатида нефроцизин препаратини самардорлиги исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида ишлаб чиқарилган амалий тавсияларнинг бажарилиши СБКнинг диализ олди босқичларида беморларни даволашни муқобиллаштириш, ногиронлик ва беморларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларни яхшиланиши, диализ олди давридаги беморларни флавоноидлар гуруҳига мансуб нефроцизин дори воситаси самардорлиги натижасида уремик интоксикацияни камайтириш орқали беморларда диализгача бўлган даврни узайиши, шунингдек диализга мухтож беморлар сонини камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда гипоазотемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Сурункали буйрак касаллигининг диализ олди босқичларида гипоазотемик терапиянинг самардорлигини баҳолаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги 8н-д/252-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нефрология ва терапияда ташхис қўйиш ва комплекс даволашда гипоазотемик препаратлардан фойдаланиш орқали касалликларда азотемияни камайтириш имконини берган;

«Сурункали буйрак касаллигида гипоазотемик терапиянинг липид спектри кўрсаткичларига таъсири» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 июлдаги 8н-д/254-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нефрология ва терапияда СБКга ташхис қўйиш ва комплекс даволашда дислипидемияни мувофиқлаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини берган;

Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда гипоазатемик дори воситаларни қўллаш билан даволашни муқобиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт маркази ва Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 8н-з/157-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сурункали буйрак касаллигини клиник кечиши ва уни комплекс даволашда сурункали буйрак етишмовчилигини авж олиб ривожланишини секинлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги даволашда гипоазатемик дори воситалари билан даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг ёритишда маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг шарҳи, сурункали буйрак касаллигининг этиологияси, патогенези ва даволашнинг замонавий усуллари ва даволашда фойдаланиладиган дори воситаларнинг аҳамияти, асосий профилактик ва даволаш тартибининг аҳамияти ёритиб берилган. Сурункали буйрак касаллигида гипоазатемик дори воситалари билан даволашнинг муқобиллаштириш тўғрисидаги илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган,

шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жихатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва услублари» деб номланган иккинчи бобида объектлар ва тадқиқот усуллари, шунингдек қўлланиладиган статистик усуллар тавсифланган. Тадқиқотда 123 нафар асосий гуруҳни, 20 нафар соғлом беморлар назорат гуруҳи сифатида кўриб чиқилди. Тадқиқот учун турли генезли нефропатиялар туфайли ривожланган СБК билан ТТА кўп тармоқли клиникаси нефрология бўлимида даволанаётган 123 нафар бемор олинди. Этиологик жихатдан беморларнинг асосий қисми яъни, 106 нафари сурункали гломерулонефрит, 12 нафари эса сурункали пиелонефрит билан ташхисланган беморлар. Олинган беморларнинг ёши 19 дан 50 ёшгача ташкил этади. Беморларга Певзнер бўйича 7-пархез столига мувофиқ овқатланиш ва совуқ ҳамда нам иқлимдан сақланиш каби соғлом турмуш тарзи тушинтирилган.

Тадқиқот жараёнида СБК нинг бузилган патогенетик бўғинларига ҳар хил даволаш тартибларини таъсирини ўрганиш учун беморлар асосий 4 гуруҳга ажратилган: 1А-гуруҳ СБК III-босқич бўлган 32 нафарва 2 А - гуруҳ СБК IV-босқич бўлган 30 нафар беморларга анъанавий даво; 1 Б - гуруҳ СБК III-босқич бўлган 31 нафарва 2 Б - гуруҳ СБК IV-босқич бўлган 30 нафар беморларга анъанавий давога қўшимча нефроцизин 300 мг/кун буюрилди.

Нефроцизин – дори воситаси Шаир ўсимлигидан ажратиб олинган цинарозид (лютеолин–7–О–β–D–глюкопиранозид) флавоноидидан иборат бўлиб у гипоазотемик дори воситаси сифатида қўлланилади. Мазкур дори воситасининг субстанцияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида ва тайёр дори шакли «Никафарм» фармацевтик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади. Цинарозид субстанциясининг хом ашёси учун ВФС 42Уз-2894-2016 «*Ferula varia*», субстанция учун ВФС 42Уз-2895-2016 «*Sinarosid*» ва тайёр дори шакли учун ВФС 42Уз-2896-2016 «*Nefrosizin tabletkalari 0,05 g*» Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Анамнестик ва клиник жихатдан СБК белгилари бўлмаган ва буйрак фаолияти бузилмаган 20 нафар шахс ўз хохишига кўра назорат гуруҳи сифатида олинди. Текширувга олинган умумклиникқон ва пешоб тахлиллари учун намуналар беморлардан бармоқдан қон ҳамда пешобнинг ўрта порцияси қатъий равишда наҳорга олинди. Қон биокимёвий тахлиллари (мочевина, креатинин, липид спектри (ХС, ПЗЛП, ЮЗЛП, ТГ, умумий оксил, билирубин, АлТ, АсТ, билирубин, глюкоза), коагулограмма ТТА кўп тармоқли клиникасининг марказий клиник ташхисот лабораторияси ҳамда 1-сонли клиник биокимёвий лабораториясида текширувдан ўтказилди.

Тадқиқот усуллари. Липид алмашинувини баҳолашда липид спектри кўрсаткичлари ярим автомат биокимёвий анализаторида реагентларни қўллаш стандарт усулида текширилди.

Қондаги гемоглобин миқдорини аниқлаш бирлаштирилган гемоглобин цианид усули ёрдамида аниқланди.

Эритроцит ва лейкоцитлар сони Горяев камерасида саналди, эритроцитлар чўкиш тезлиги Панченко штативида мм/соат бирликда аниқланди.

Мочевина миқдори калориметрик энзиматик усул билан аниқланди (Бертло); Калориметрик биурет усули билан умумий оксил миқдори ва Яффе усули орқали қондаги креатинин концентрацияси аниқланди.

Беморларнинг рухий ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш. Сурункали буйрак касаллиги беморларнинг рухий ҳолати Спилбергер-Ханин ва HADS госпитал шкалалари бўйича сўровномалар ёрдамида ва ҳаёт сифатини SF-36 психодиагностик тест ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг «**Хусусий текширув натижалари**» деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник белгилари СБКнинг турли босқичларидаги беморларда ўтказилган клиник-функционал текширув натижаларига кўра тасвирланган. Беморларнинг шикоятлари ҳар иккалар жуфтлик гуруҳларда деярли бир хил бўлиб, улар умумий холсизлик, тез чарчаш, қувватсизлик, бош айланиши, иштаха пасайиши, кўнгил айниш, қусиш, уйқу бузилиши, тери қичиши кабилар кузатилиб, СБКнинг IV босқичидан таркиб топган 2-гуруҳларда эса мазкур шикоятларни нисбатан яққол ифодалангани кузатилди. Кўрик вақтида 88 беморда тери ва шиллик қаватларнинг оқарганлиги, 29 нафарида юз ва оёқларида шиш, 73 беморда ковоқларда салқин, 38 та беморда эса юзида пастозлик аниқланди. 89 беморнинг тана вазни сақланган бўлиб, 34 нафарида тана вазнининг камайиши аниқланди. Беморларнинг 1-гуруҳида пешоб келиши оғриксиз, сийдик ранги рангсиз. Кунлик диурез 2,0-2,5 литр. 2-гуруҳларда эса пешоб келиши оғриксиз, сийдик ранги рангсиз. Кунлик диурез 2,8-3,0 литр. Шунингдек деярли барча беморларда никтурия кузатилди.

Буйракларнинг ултратовуш текширувида 111 нафар беморда нефрит, 12 нафарида пиелонефрит белигилари кузатилди ва пиелонефритлардан 3 нафарида буйракларда конкремент ҳамда 4 нафарида буйрак поликистози, 16 нафарида буйраклар бужмайиши, шунингдек 7 нафар беморда ягона буйрак аниқланди.

Ўтказилган **умумклиник лаборатор таҳлиллар** натижаларига кўра 1 гуруҳ беморларида гемоглобин миқдори $103,5 \pm 1,94$ г/л, 2 гуруҳда эса $90,7 \pm 2,05$ г/л, эритроцитлар аналогик тартбида $3,7 \pm 0,05$, 2 гуруҳда $3,3 \pm 0,06$ $10^*12/л$, лейкоцитлар $7,6 \pm 0,21$ ва $7,1 \pm 0,021$ $10^*9/л$ ни, ЭЧТ $17,6 \pm 1,1$ ва $21,1 \pm 1,48$ мм/с ташкил қилди. Протеинурия 1 гуруҳда $1,6 \pm 0,29$; 2 гуруҳда $1,4 \pm 0,18$, пешобнинг солиштирма оғирлиги эса $1012,1 \pm 0,5$ ва $1008,7 \pm 0,38$ кийматга пасайиб кетган. Асоратланмаган коптокча яллиғланиш касалликларининг асосий мезонларидан хисобланган протеинурия СБК да ҳам давом этади. Умумий сийдик таҳлилида протеинурияни III босқичдан IV босқичга ўтган сари камайишини ҳам шикастланиб оксил чиқариб юбораётган коптокчалар сонини прогрессив камайиб бориши билан изоҳлаймиз.

Биокимийвий текширувлар натижалари 1 гуруҳ беморларда умумий оксил $60,5 \pm 1,09$; 2 гуруҳда эса $56,1 \pm 0,44$ гача камайиб кетган. Маълумки СБК зўрайиб борган сари организмда катоболизм жараёнларини кучайиб бориши туфайли умумий оксил камайиб боради.

АЛТ 1 гуруҳда $26,73 \pm 1,886$; АСТ $22,3 \pm 1,9$; билирубин $15,9 \pm 0,34$; 2 гуруҳ беморларида эса АЛТ $24,5 \pm 0,916$; АСТ $18,6 \pm 0,88$; билирубин $16,0 \pm 0,40$ қийматда меёрий кўрсаткичларни намоён қилди.

1 гуруҳ беморларда мочевина $11,4 \pm 0,288$; креатинин $191,1 \pm 6,47$ мкмоль/л, мочевина ва креатинин миқдори асосланган ҳолда беморларда сурункали буйрак етишмовчилигининг компенсатор босқичи ташхиси тасдиқланди. 2 гуруҳ беморларида эса мочевина $16,9 \pm 0,52$, креатинин $347,2 \pm 12,37$ мкмоль/л қийматни ташкил қилиб, мочевина ва креатинин миқдори асосланган ҳолда беморларда сурункали буйрак етишмовчилигининг интермиттирловчи босқичи ташхиси тасдиқланди. Коптокчалар фитльтрацияси тезлигини 1- гуруҳда $39,2 \pm 0,92$ мл/дақ. бўлиши сурункали буйрак етишмовчилигини компенсатор, шунингдек сурункали буйрак касаллигини III босқичига мос келади ҳамда 2 гуруҳда коптокчалар филтрацияси тезлигини $21,8 \pm 0,59$ мл/дақ бўлиши эса сурункали буйрак етишмовчилигини интермиттирловчи яъни сурункали буйрак касаллигини IV босқичига тўғри келади.

Липид спектри кўрсаткичларида волалини бошида СБК нинг III-босқичи бўлган 1-гуруҳларда ХС ўртача қийматда $5,27 \pm 0,043$; ЗПЛП ўртача қийматда $2,6 \pm 0,06$; ТГ $1,8 \pm 0,02$ ошгани кузатилиб, ЗЮЛП эса ўртача қийматда $1,0 \pm 0,01$ миқдорга камайгани кузатилди. СБК нинг IV-босқичи бўлган 2-гуруҳ беморларида ХС ўртача қийматда $5,86 \pm 0,045$; ЗПЛП ўртача қийматда $3,0 \pm 0,03$; ТГ $2,0 \pm 0,02$ ошгани кузатилиб, ЗЮЛП эса ўртача қийматда $0,98 \pm 0,01$ миқдорга камайиб кетгани кузатилди. Энди бу босқичда ХС, ЗПЛП ва ТГ меёрдан сезиларли ошгани аниқ кўринмоқда. Агар биз кўрсаткичларни назорат гуруҳи билан таққослайдиган бўлсак липид спектри кўрсаткичларини бузилишидаги ўзгаришларни яққол кузатамиз.

Беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати тадқиқот гуруҳларидаги СБК III - босқич беморларида қуйидаги кўрсаткичларида намоён бўлди.

СБК III - босқич гуруҳларида шахсий тушкунлик кўрсаткичи 7 (10,7%) нафар беморда юқори даражада, 17 (26,2%) нафар беморда тушкунлик ўртача даражада, қолган 41 (63,1 %) беморларда эса паст даражадагилиги қайд этилди. Юқори даражада вазиятли тушкунлик кўрсаткичи 25 (38,5%) нафар беморда кузатилиб, 22 (33,8%) беморларда ўртача, 18 (27,7%) нафар беморда эса паст даражада намоён бўлди. HADS кўрқув ва депрессия госпитал шкаласи ёрдамидаги текширувларда клиник яққол ифодаланган кўрқув 16 (24,6 %) беморларда, субклиник ифодаланган ҳолати 31 (47,7%) беморлар намоён бўлди. Шкаласи бўйича 18 (27,7%) нафар беморларда меёрий кўрсаткичлар қайд этилди. HADS шкаласи бўйича клиник яққол ифодаланган депрессия 6 (9,2%) беморда, 28 (43,1%) нафарида эса субклиник ва 31 (47,7%) нафарида меёрий кўрсаткичлар кузатилди.

Ҳаёт сифати ўзгаришлари хусусан шкаладаги «жисмоний ҳолатга асосланган фаолият ўрни» ва «эмоционал ҳолатга асосланган фаолият ўрни» кўрсаткичлари 2 гуруҳ беморларига нисбатан камроқ даражада пасайди, бу беморларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш ва жисмоний зўриқишлардаги муҳим чекловлар ва натижада одатий ижтимоий ҳаётдаги ролини камайиши ҳаёт сифатини ва ҳиссини маълум даражада ёмонлаштиради. Шунингдек «оғриқ интенсивлиги»да сезиларли ўсиш бор ва «саломатликнинг умумий ҳолати»ни ёмонлаштирди, оқибатта ҳаёт сифати жараёнига салбий таъсир бўлишига олиб келди.

Тадқиқот гуруҳларидаги **СБК IV - босқич беморлари** орасида юқори даражада вазиятли тушкунлик кўрсаткичи 34 (56,7%) нафар беморда кузатилиб, 20 (33,3%) нафар беморда ўртача, 6 (10%) нафар беморда эса паст даражадаги вазиятли тушкунлик кўрсаткичи намоён бўлди. HADS кўрқув ва депрессия госпитал шкаласи ёрдамидаги текширувларда клиник яққол ифодаланган кўрқув 21 (35%) нафар беморда, субклиник ифодалангани эса 34 (56,7%) нафар беморда намоён бўлди. Шкала бўйича 5 (8,3%) нафар беморда меёрий кўрсаткичлар қайд этилди. HADS шкаласи бўйича клиник яққол ифодаланган депрессия 13 (21,7%) нафар беморда, 39 (65%) нафариди эса субклиник ифодаланган ва қолган 8 (13,3%) нафар беморда меёрий кўрсаткичлар кузатилди.

Ҳаёт сифати ўзгаришлари хусусан шкаладаги «жисмоний ҳолатга асосланган фаолият ўрни» ва «эмоционал ҳолатга асосланган фаолият ўрни» кўрсаткичлари сезиларли даражада пасайди, бу беморларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш ва жисмоний зўриқишлардаги муҳим чекловлар ва натижада одатий ижтимоий ҳаётдаги ролини камайиши ҳаёт сифатини ва ҳиссини сезиларли ёмонлаштиради. Шунингдек «оғриқ интенсивлиги»да сезиларли ўсиш «саломатликнинг умумий ҳолати»ни ёмонлаштирган, оқибатта ҳаёт сифати жараёнига салбий таъсир этишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобидасурункали буйрак касаллигининг турли босқичларидаги беморларда ўтказилган комплекс даволаш бошланганидан 3 ой ўтиб клиник-функционал текширув натижаларига кўра ҳар иккалар жуфтлик гуруҳларда алоҳида-алоҳида таққослама кўриб чиқишни лозим топдик. Даволанишнинг ўнинчи кунда даволаш бошига нисбатан нефроцизин қабул қилмаган 1 А гуруҳида мочевина $10,6 \pm 0,30$; креатинин $180,2 \pm 8,73$ га пасайгани, КФТ $40,9 \pm 1,27$ мл/дақ. қийматга кўтарилгани кузатилди. Бир ойдан сўнг эса 1 А гуруҳда мочевина $10,1 \pm 0,24$; креатинин $171,3 \pm 7,74$ га пасайиб, КФТ $42,1 \pm 1,26$ қийматга ошган, уч ойдан сўнг эса мочевина $16,6 \pm 0,41$; креатинин $198,9 \pm 8,98$ га ошиб, КФТ $37,2 \pm 1,30$ мл/дақ пасайган. 1 Б гуруҳда даволанишнинг ўнинчи кунда беморларда мочевина $10,5 \pm 0,25$; креатинин $179,6 \pm 6,88$ га пасайган, КФТ $41,2 \pm 1,14$ кўтарилган. Бир ойдан сўнг эса мочевина $9,8 \pm 0,20$; креатинин $167,2 \pm 5,83$ га пасайиб, КФТ $44,3 \pm 1,23$ қийматга ошгани кузатилиб уч ойдан

сўнг эса мочеви́на $9,4 \pm 0,135$; креатинин $154,7 \pm 4,93$ қийматга пасайиб, КФТ $47,3 \pm 1,68$ мл/мин.га кўтарилгани кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Сурункали буйрак касаллигининг III-босқич беморларининг буйрак фаолияти ҳолати

Пара-метрлар	Назорат гуруҳи (n=20)	Даво-лашдан олдин	I A гуруҳ (n-32)			I B гуруҳ (n-31)		
			10-кун	30-кун	90-кун	10-кун	30-кун	90-кун
мочевина ммоль/л	$6,8 \pm 0,13$	$11,4 \pm 0,288^{***}$	$10,6 \pm 0,30^{***}$	$10,1 \pm 0,24^{*}$ ****	$13,6 \pm 0,411^{***}$ ****	$10,5 \pm 0,25^{*}$ **	$9,8 \pm 0,20^{**}$ ***	$9,4 \pm 0,135^{*}$ ****
Креатинин мкмоль/л	$71,6 \pm 1,53$	$191,1 \pm 6,47^{***}$	$180,2 \pm 8,73^{***}$	$171,3 \pm 7,74^{***}$	$198,9 \pm 8,98^{***}$ ****	$179,6 \pm 6,88^{***}$	$167,2 \pm 5,83^{***}$	$154,7 \pm 4,93^{***}$
КФТ мл/мин	$104 \pm 4,82$	$39,2 \pm 0,92^{***}$	$40,9 \pm 1,27^{***}$	$42,1 \pm 1,26^{*}$ **	$37,2 \pm 1,30^{*}$ ****	$41,2 \pm 1,14^{*}$ **	$44,3 \pm 1,23^{*}$ ***	$47,3 \pm 1,68^{*}$ ****

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - $P < 0,001$); ^ - фарқлар даволашдан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^^ - $P < 0,001$).

СБКнинг IV-босқич беморларидан иборат 2-гуруҳларда эса буйрак фаолиятининг ҳолати даволанишнинг ўнинчи кунида даволаниш бошига нисбатан 2 A гуруҳ беморларида мочеви́на $17,8 \pm 0,79$ кўтарилгани; креатинин $345,7 \pm 19,31$ пасайгани, КФТ $22,1 \pm 0,80$ мл/дақ бироз ошгани кузатилди. Бир ойдан сўнг эса 2 A гуруҳда мочеви́на $15,8 \pm 0,54$ ошган; креатинин $338,9 \pm 15,75$ га пасайиб, КФТ $22,9 \pm 0,69$ мл/дақ қийматга ошгани, уч ойдан сўнг эса мочеви́на $19,83 \pm 0,561$; креатинин $379,8 \pm 14,24$ га ошиб кетиб, КФТ $17,5 \pm 0,31$ мл/дақ қийматга пасайган. 2 B гуруҳда беморларда ўнинчи куни мочеви́на $17,9 \pm 0,42$ га ошган; креатинин $344,2 \pm 10,38$ пасайган, КФТ $22,6 \pm 0,72$ мл/дақ қийматга бироз кўтарилган. Бир ойдан сўнг мочеви́на $15,0 \pm 0,52$ ошган; креатинин $336,7 \pm 11,23$ пасайиб, КФТ $23,1 \pm 0,56$ қийматга кўтарилиб, уч ойдан сўнг эса мочеви́на $13,5 \pm 0,293$; креатинин $326,6 \pm 10,67$ қийматга пасайиб, КФТ $24,6 \pm 0,42$ мл/мин.га кўтарилгани намоён бўлди.

2-жадвал

Сурункали буйрак касаллигининг IV-босқич беморларининг буйрак фаолияти ҳолати

Пара-метрлар	Назорат гуруҳи (n=20)	Даво-лашдан олдин	2 A гуруҳ (n-30)			2 B гуруҳ (n-30)		
			10-кун	30-кун	90-кун	10-кун	30-кун	90-кун
мочевина ммоль/л	$6,8 \pm 0,13$	$16,9 \pm 0,52^{***}$	$17,8 \pm 0,79^{***}$	$15,8 \pm 0,54^{*}$ **	$19,83 \pm 0,56^{***}$ ****	$17,9 \pm 0,42^{*}$ **	$15,0 \pm 0,52^{*}$ ***	$13,5 \pm 0,29^{*}$ ****
креатинин мкмоль/л	$71,6 \pm 1,53$	$347,2 \pm 12,37^{***}$	$345,7 \pm 18,82^{***}$	$338,9 \pm 15,75^{***}$	$379,8 \pm 14,24^{***}$	$344,2 \pm 10,38^{***}$	$336,7 \pm 11,23^{***}$	$326,6 \pm 10,67^{***}$
КФТ мл/мин	$104 \pm 4,82$	$21,8 \pm 0,59^{***}$	$22,1 \pm 0,80^{***}$	$22,9 \pm 0,69^{*}$ **	$17,5 \pm 0,31^{*}$ ****	$22,6 \pm 0,72^{*}$ **	$23,1 \pm 0,56^{*}$ **	$24,6 \pm 0,42^{*}$ ****

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - $P < 0,001$); ^ - фарқлар даволашдан олдин гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,01$, ^^^ - $P < 0,001$).

СБК III ва IV босқичидаги гуруҳлар ўзаро солиштирилганда СБК нинг нисбатан эрта III босқичларига нефроцизиннинг таъсирини самарадорлиги

кўзга ташланади. Ижобий самарага эришилган Б гуруҳларда даволаниш боши ва охирида олинган креатинин ва КФТ кўсаткичлари фарқи 1 Б гуруҳда 25,2 мкм/л бўлса 2 Б гуруҳда 20,6 мкм/л.га, КФТ 1 Б гуруҳда 8,1 мл/мин., 2 Б гуруҳда эса 2,8 мл/мин. қийматга тенг бўлди. Бу жараён чуқурлашиб борган сари анъанавий давони ҳам ва ҳамда гипоазотемика препаратларнинг ҳам самарадорлиги пасайиб бораверади.

